



УДК 619:636, 3:576. 895.57.

М. Рахимов, таджикотчи,
ВИТИ

ИКСОД КАНАЛАРИНИНГ ЭНДЕМИК МИГРАЦИЯСИ

Аннотация

В статье освещены материалы по изучению сезонной динамики и миграции эндемических видов иксодовых клещей. При этом установлено, в животноводческих хозяйствах *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, *Ornithodoros* (*Alveonassus lahorensis*).

Ключевые слова: санитария, эпидемиология, клещи, миграция, эндемик, инсектоакарицид, эффект, животные, зообиоценоз.

Мавзунинг долзарблиги. Аҳолини гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан етарли да- ражада таъминлаш ҳамда аҳолини санитария-эпидемиологик ҳолатини барқарорлаштириш бугун- нинг муаммоларидан ҳисобланади. Чорвачиликдаги ислохотлар фермер хўжаликлари, шахсий ёрдамчи, хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари, микро- фермалар кўпайишига олиб келмоқда. Бироқ соҳани ривожлантиришда хайвонлар миграциясининг ошиши билан эндемик каналарнинг тарқалиш ареаллари ҳам кенгайиб, фермаларда хавфли трансмиссии касаллик- ларнинг Vector тарқатувчилари пайдо бўлишига са- баб бўлмоқда. Бу борада қорамолчилик ва қўйчилик фермалари кўпроқ талафот кўрмоқда. Шундай экан, зарарли турларнинг популяцион динамикасини, уларнинг ялли кўпайиб кетишини прогноз қилиш ҳамда зообиоценозларни биологик барқарорлигини регуляция қилиш чораларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорамол ва қўйларда иксод каналарининг миграциясини (тарқалишини) ҳамда лиги инсектоакарицид препаратларнинг пара- зитоцид самарадорлигини ўрганиш.

Тад қн кот услуби. Терилган эктопаразитлар тури арахноэнтомология лабораториясида қўлланма ва аниқлагич жадваллар ёрдамида «Определитель пухоедов Mallophaga домашних животных», «Атлас исоидных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ҳамда бошқа махсус адабиётлар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Январь ойида “Тепа- кишлоқ” ва “Уртакишлоқ” маҳаллалари хўжаликлар- рида мавжуд шахсий қорамоллардан 30 боши текширилди ва улардан 12 боши (40%) *Trichodektes bovis* (битлар, сочхўрлар) эктопаразитлари билан зарар- ланганлиги маълум бўлди. Бу молларнинг барчаси суми-альфа 20 % ли препаратининг 0,012 %ли ишчи (сувли) эмульсияси билан дориланди (териси юзасига пуркалди).

Дориланган хайвонларда 2 кундан сўнг паразитларнинг барчаси нобуд бўлди. Препаратни қўллаш жараёнида ҳаво ҳарорати +15+20°C гача

In the year of 2015 in the result of researches carried out against parasite mites and in order to study their seasonal migration it was found out that the seasonal movement (endemic migration) of ecto parasites, particularly mites was late for 20 days. There were defined mites related to the generation of mainly Hyalomma (H. anatolicum, H. plumbeum, H. scupense, H. detritum), Rhipicephalus (Rh. bursa, Rh. turanicus), Haemaphysalis, Dermacentor. from argasid ticks Ornithodoros (Alveonassus lahorensis).

Key words: sanitary, epidemiology, insect, mite, migration, therapy, isectoacaricide, effect, parasite, zoobiocenoses.

кўтарилиб турди. Кузатувлар мобайнида дориланган молларнинг физиологик ҳолатида салбий ўзгаришлар юз бермади.

Эктопаразитларга қарши чорва молларни текши- рниш жараёнида шахсий ҳамда хусусий хўжаликларда мавжуд қорамолларни саклаш, озиклантириш. озуқа- ларнинг сифати ҳам ўрганилди.

Февраль ойида 15 та хўжаликда мавжуд 40 бош қорамол паразитологии текширилди. Текширишлар мобайнида 1 бош сизир ва 2 бош новвосда псороптоз касаллиги аниқланди ва улар суми-альфа препаратининг 0,012 %да (2 л/бош) ишчи эмульсияси билан пуркаш усулида дориланди. Моллар 5 кун давомида кузатилди ва касаллик сусайганлиги аниқланди. 5 кундан сўнг улар қайта дориланди. 10 кундан сўнг касаллик аломатлари бутунлай йўқолди. Қайта дориланган орқали юқори самарага эришилди.

Март ойида эктопаразитларга қарши “Тепа- кишлоқ”, “Уртакишлоқ” ҳамда “Боғизоғон” маҳал- лаларидаги 53 бош қорамол текширилганда уларнинг 4 бошида *Trichodektes bovis* (битлар, сочхўрлар) эк- топаразитлари аниқланди ва 10 бош хайвон танасида ҳам кам микдорда каналар борлиги кузатилди. Улардан намуналар олиниб, лаборатория шароитида пара- зитлар тури аниқланди (*Hyalomma*, *Rhipicephalus*). Бу молларга суми-альфа препаратидан 0.012% ли (2-3 л/б ҳажмда) ишчи эмульсия тайёрланиб, териси юзасига пуркаш усулида қўлланилди. Моллар 3 кун мобайнида кузатилди, хайвонлар каналардан 100 фоиз озод бўлди.

Апрель, май ойида чорва молларининг эктопара- зитларига қарши синов тажрибалари мобайнида жами 61 бош қорамол текширилди ва уларнинг 18 бошида паразит каналар топилди. Асосан *Hyalomma* (*H. anatolicum*, 11. *plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*) авлодларига мансуб турлар аниқланди. 15 бош хайвон триходектоз (*Trichodektes bovis*), сифункулятоз (*Linognathus vituli*) билан касалланганлиги аниқланди. Молларни даволашда суми-альфа 20% к.э. (0,012% с.э.) ҳамда каратин 50 (5%) к.э. 0,003% сувли эмульсия қўлланилганда, 3 кунда инсектицид ва акарицид самараси 100 фоизни ташкил


Summary

#02 (99) 2016

этди. 2015 йилнинг январь-февраль ойларида эктопаразитларга қарши чорва молларини текширишлар мобайнида эктопаразитларнинг ҳаракати суғлиги кузатилди. Триходектоз ҳамда псороптоз касалликлари кам миқдорда аниқланди.

Июнь, июль, август, сентябрь ойларида “Боги-зоғон”, “Тепакшлок”, “Ўртакишлок”, “Файзиобод” маҳаллалари ҳамда “Зарафшон” воҳаси шахсий хўжаликларида мавжуд 83 бош қорамол ва 20 бош қўй эктопаразитларга қарши текширилди. 55 бош қорамол ва 12 бош қўй асосан *Ixodes*, *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, *Rhipicephalus*, *Hyalomma* авлодларига мансуб қон сўрувчи каналар билан зарарланганлиги аниқланди.

Бу хайвонларга суми-альфа препаратидан 0,012% ли ишчи эмульсия тайёрланиб, териси юзасига (2-3 л/б хажмда) пуркаш усулида сепилди. Моллар 3 кун мобайнида кузатилди, пренаратиинг барча каналарга нисбатан акарицид самараси 100 фоизни ташкил этди.




1-расм. I. *Haemaphysalis avloidi*, (1. эркаги, 2. урғочиси), II. *Rhipicephalus avloidi*, (3. эркаги, 4. урғочиси)

Каратин 50 (5%) пиретроид препаратининг 0,003% сувли эмульсиясини қорамол терн юзасига пуркаш ва тўкиш усулида қўлланилди. Қўйларнинг бели устига (умуртка поғонасининг бўйин қисмидан думгазагача) ҳар бир қўйга 500 мл/бош ишчи эмульсия сепилди. Ҳайвонлар 4 кун мобайнида кузатилди ва 3 кундан сўнг препарат самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди.

Октябрь, ноябрь ойларида 30 бош қорамол текширилди ва олиб борилган тадқиқотлар жараёнида 12 бош хайвон оз миқдорда *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Haemaphysalis* авлодларига мансуб каналар билан зарарланганлиги аниқланди, бироқ об-ҳаво ноқулайлиги сабабли препарат қўлланилмади.

Хулоса. 2015 йилда паразит каналарга қарши ҳамда уларнинг мавсумий миграциясини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики,



2-расм. I. *Ixodes avloidi*, (1. эркаги, 2. урғочиси) II. *Dermacentor avloidi*, (3. эркаги, 4. урғочиси)

эктопаразитларнинг, хусусан, каналарнинг мавсумий ҳаракати (эндемик миграцияси) 20 кунга ксчикди. Хўжаликларда мавжуд чорва моллари асосан *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, *Argas* каналаридан *Ornithodoros* (*Alveonassus lahorensis*) авлодларига мансуб каналар билан зарарланганлиги (касаланганлиги) кузатилди. Уларни даволашда янги пиретроид, инсектоакарицид препаратларининг инсектицид ва акарицидлик самараси исботланди. 2014 йилда кузатилмаган *Alveonassus lahorensis* каналари 2015 йилда олиб борилган тадқиқотларда эндемик ҳолатда аниқланди. Суми-альфа, каратин пиретроидлари дориланган хайвонларнинг физиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Благовещенский Д.И. “Определитель пухоедов (Mallorhaga) домашних животных”. Фауна СССР. М.-Л.: изд. АН СССР, 1940.
2. Штакельберг А.А. «Синантропные двукрылые фауны СССР». Издательство академии наук СССР, Москва. Ленинград:- 1956.
3. Беклемишев В.Н. «Определитель членистоногих. вредящих здоровью человека». Государственное издательство медицинской литературы, Медгиз. Москва:- 1958,
4. Агринский Н.И. Насекомые и клещи вредящие, сельскохозяйственным животным. Москва:- 1962.
5. И.М. Ганиев, А.А. Аливердиев «Атлас нксодоидных клещей» Издательство «колос» Москва. 1968 г.
6. Э.Х. Эргашев, Ж.Ш. Шопўлатов “Паразитология”, «Ўқитувчи», 1981 й.
7. Абуладзе К.И, Демидов И.В, Непоклонов А.А, Никольский С.И, Павлов Н.В, Степанов А.В. Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных. Москва, «Агропромиздат», 1990.
8. Рўзимуродов А. «Эволюция қонуниятлари ва зообиохил-махиллик» «Зарафшон», Самарканд. 2008 й.